

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Ҳаёт ҳақиқати

Қонуни бичмастик жавоблар-
ликдан ҳалос қилмайди. Лекин
билиш кўри ҳақиқатдан ҳалос қилади.
Станислав Лей

Қонунлар фўқуқлар манфаатла-
ри зўри яратилади.
Цуифон

2019 йил 5 март

сешанба № 8 (1160)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz

“TASHKENT LAW SPRING” Халқаро юридик форуми

Вазирнинг биринчи ўринбосари форум нуфузи ҳамда унда қатнашишнинг айрим жиҳатларига оидинлик киритди

ШУ йил 25-27 апрель кунлари Тошкент шаҳрида “Tashkent Law Spring” Халқаро юридик форуми ўтказилиши ҳақида Адлия вазирлиги хабар бермоқда. Илк мартаба Марказий Осиёнинг қоқ марказида, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган форумнинг асосий мавзуси — “Хуқуқ жадал модернизация даврида”.

Форум доирасида адлия, суд, прокуратура ва бошқа давлат органлари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, дунёнинг етакчи юридик ва консалтинг фирмалари вакиллари, адвокатлар, юриспруденция ва халқаро алоқалар соҳасидаги таниқли олимлар, мутахассислар ва экспертлар ҳуқуқдаги энг сўнгги тенденцияларни муҳокама қилиш, замонавий юридик фан ва амалиётнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш учун йиғилади.

Форумда қуйидаги йўналишлар бўйича бир қатор мавзуларда алоҳида сессиялар ташкил қилинади, уларда халқаро даражадаги мутахассислар лекциялари тингланади ва муҳокамалар бўлиб ўтади:

1. “Сифатли давлат бошқаруви”.
2. “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш”.
3. “Фаол инвестицион сиёсат”.

Ҳозирда форумнинг расмий tashkentlaw.spring.uz сайтида иштирокчиларни онлайн рўйхатга олиш амалга оширилмоқда.

Кўни кеча, 4 март кўни Адлия вазирлиги томонидан Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил қилинган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди. Йирки Халқаро юридик форум ҳақида Адлия вазирининг биринчи ўринбосари баёнот берди.

Маҳмуд ИСТАМОВ, Адлия вазирининг биринчи ўринбосари:

— Энг аҳамиятли томони, “Tashkent Law Spring” Халқаро юридик форуми муҳокамалари натижаларидан миллий қонунчилигимизни модернизация қилишда, албатта, фойдаланилади. Форум иштирокчилари халқаро даражадаги ва маҳаллий экспертлар маърузаларини тинглаш, муҳокамаларда қатнашиш ва юқори малакали мутахассислар тажрибаси билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Форумда бундан ташқари ҳукумат вакиллари билан хорижий бизнес тузилмалари вакиллари ўртасида инвестицион ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари масалаларини муҳокама қилиш бўйича имконият ҳам яратиб берилади. Форум тadbирлари ўзбек, рус, инглиз тилларида синхрон таржималар воситасида олиб борилади. Халқаро юридик форумда маърузачилар сифатида Адлия вазирлари, дунёнинг етакчи юридик фирмалари раҳбарлари ва вакиллари, таниқли адвокатлар, хуқуқ соҳаси олимлари, шу қаторда йирки инвесторлар ва бизнес олами вакиллари ҳам иштирок этиши режалаштирилган. Негаки, инвестор доим юридик соҳа вакили билан бирга юради, қачонки, инвесторнинг хуқуқшуноси мана шу жойда инвестиция киритиш учун кафолат бор, мен кафолат берман, дейдиган бўлса ўшанда шу мамлакатга инвестиция келади. Шунинг учун бу икхита масалани бирга кўриш, муҳокама этишни биз ташкил қилаётган форумнинг фўқуқли жиҳатларидан бири дейиш мумкин. Умуман, форумда маърузачилар географияси ниҳоятда кенг. Бугунгача ўз иштирокини расман тасдиқлаган хорижий маърузачилар орасида АҚШ, Англия, Франция, Япония,



Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа ривожланган мамлакатлардан хуқуқ соҳаси олимлари, адвокатлар ва давлат ташкилотлари раҳбарлари бор. Бундан ташқари, Грузия, Россия, Австрия, Қозоғистон мамлакатларидан келган вакиллар хуқуқий масалаларда ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Умуман, ҳозирги кунгача сайт орқали 300 га яқин иштирокчилар форумда иштирок этиш истагини билдирган ва сайтдан рўйхатдан ўтган.

Ушбу форумнинг бошқа шунга ўхшаш тadbирлардан асосий фарқи шундаки, биз форумда иштирок этишни очик рўйхатга олиш тизими орқали бошладик, ким хоҳласа, марҳамат, сайтдан рўйхатдан ўтиб форумда иштирок этиши мумкин. Аммо форумда қатнашиш нега пуллик, деган савол туғилиши мумкин. Биз бу масалада хорижий тажрибани ҳам ўргандик. Бундан икхита асосий мақсад кўзланган. Биринчиси, четдан етук малакали мутахассисларни, спикерларни чақиритиш учун уларнинг йўл ва яшаш,

форум доирасидаги тушлик ва бошқа харажатларини ҳам ушбу маблаг эвазига қисман қоплаш мумкин. Иккинчидан, бундай форумларнинг, маълум маънода қадри бўлиши керак. Ҳар бир иштирокчи ўзига кераклиги учун, ўзи хоҳлагани учун, иштиёқ билан форумга ташриф буюриши, келганда ҳам ўзи учун нимадир олиб кетиши керак. Форумда иштирок этишнинг пуллик асосда эканлигини асло фойда кўриш манбаи деб тушунмаслик лозим.

Эслатиб ўтамиз, халқаро юридик форумда иштирок этишни хоҳлаган хорижий ва маҳаллий Оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтишлари зарур. Аккредитация шу йилнинг 1 мартидан бошланди. Аризаларни қабул қилиш 15 апрелга қадар давом этади, талаблар форумнинг расмий сайтида берилган.

“Инсон ва қонун” мухбири
Маҳдия АВАЗОВА тайёрлади.

Баҳор — ғўзаллик ва нафосат фасти!



МИЛЛАТ ТАРБИЯЧИСИ

— АЁЛ ва оила. Бу икки муштарак сўзни бир-бирдан айро тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, аёл оиланинг гултожи, оқила бекаси, маънавий таянчи, меҳри уммонлардан чексиз фидойи ва жонсарақ миллат тарбиячиси. Энг буюк алломалару даҳолар ҳам оилада энг аввало аёл — онанинг тарбияси маҳсули сифатида камол топиб, дунёга довруғ солган. Демак, аёлнинг оиладаги ўрнини ҳеч нарса билан қўслаб бўлмайди.

Шу боис хотин-қизларга, оилаларга бўлган эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Кейинги вақтларда қабул қилинган 80 дан ортик қонунлар, Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар хотин-қизларимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги янада ошиши,

Дилором ТОШМУҲАММЕДОВА,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги
“Оила” илмий-амалий тadbирот маркази
директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

уларнинг мамлакатимизда амалга ошири-
лаётган шиддатли ислохотлардаги ишти-
роки тобора кенгайишида муҳим аҳамият
касб этмоқда.

Бинобарин, мамлакат тараққиётини хо-
тин-қизларсиз, уларнинг иштирокисиз та-
саввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам
юртимизда аёлларнинг оилада ҳам, давлат
ва жамоат ишларида ҳам эмин-эркин фао-
лият юритишлари, уларнинг хуқуқ ва ман-
фаатларини рўёбга чиқариш йўлида қатор
дастурий чора-тadbирлар ишлаб чиқилиб,
ҳаётга жорий этилмоқда.

8-БЕТ

КАДРИМИЗ ҚАДДИМИЗДАН БАЛАНД БЎЛСИН!

— АЁЛНИНГ нафосати ва назока-
ти, вафо ва садоқати, ақл-заковати ва
фидойилиги неча асрлар мобайнида
ер юзида ҳаёт давомийлигига асос бў-
либ келади. Бундан ташқари оила ва
жамият устун, ҳаётимизнинг файзи
ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзо-
лаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсати-
тиш азиз халқимиз учун азал-азалдан
буюк қадрият бўлиб келган ва шундай
бўлиб қолишига ишонамиз.

Бугунги кўнда Ўзбекистонни яна-
да ривожлантириш бўйича Ҳаракат-
лар стратегиясида белгилаб берилган
мақсад ва вазифаларга эришишда хо-
тин-қизларнинг ҳам ўрни беқийсдир.
Бунинг тасдиғи сифатида шуни айти-
шим мумкинки, ҳозирги вақтда мамла-
катимизда турли соҳа ва тармоқларда
меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчи-
ларнинг 45 фоиздан ортигини хо-



Ёқутхон ҲАЙДАРОВА
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улугбек туман суди раиси:


тин-қизлар ташкил этади. Жумладан,
давлат ва жамоат ташкилотлари ти-
зиминда 1 минг 400 дан ортик опа-син-
гилларимиз раҳбарлик лавозимла-
рида меҳнат қилмоқда. Бу, албатта,
хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнига
эга эканлигидан далолатдир.

8-БЕТ

КОЛЛЕЖ ЎҚИТУВЧИСИ МАКТАБГА ЎТСА МАЛАКА ТОИФАСИ САҚЛАНАДИ...МИ?

— ЎРТА махсус касб-хунар коллежида олинган катта ўқитувчи малака тоифаси умумтаълим мактабларида амал қиладими?

Ақбар ТОЙИРОВ,
Бухоро вилояти




— Амал қилади.

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог кадрларининг малака тоифалари ёки лавозимлари мазкур таълим муассасаларининг бир туридан бошқасига ишга ўтганда сақланиши белгиланган.

Бунда мактабгача таълим ва халқ таълими тизимлари педагог кадрларининг иккинчи малака тоифаси ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг катта ўқитувчи лавозимига, биринчи малака тоифаси — етакчи ўқитувчи лавозимига, олий малака тоифаси — бош ўқитувчи лавозимига тенглаштирилади.

АЛИМЕНТ ОЛИШИМ МУМКИНМИ?



— БИЗ расмий никоҳдан ўтмаганмиз. Бир нафар фарзандимиз бор. ЗАГС бўлмаса ҳам алимент олишим мумкинми?

Замира ОЛЛОЕВА,
Самарқанд шаҳри

— Оила кодексига мувофиқ, агарда фарзанд отаси томонидан тан олинб, фарзанднинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида отаси ҳақидаги маълумотларда унинг исми-шарифи акс эттирилган бўлса, ундан алимент талаб қилиш мумкин. Бунда никоҳнинг расман қайд этилган этилмаганлигининг аҳамияти йўқ.

Агарда фарзанд отаси томонидан тан олинмаган ва унинг туғилганлик гувоҳномасига отасининг исми-шарифи киритилмаган бўлса, бунда алимент ундириш учун куйидагиларни амалга ошириш лозим:

оталикни белгилаш;

фарзандни отаси тан олган ҳолда — биргалликдаги ариза билан ФХДЁ органлари орқали;

отаси оталигини тан олмаган бўлса — судга мурожаат қилиш орқали.

Бунда судга оталикни белгилаш ҳақидаги ариза билан биргалликда алимент ундириш ҳақидаги ариза билан ҳам мурожаат этиш лозим бўлади.

КАССА-АППАРАТ ИШЛАМАСА ҚАНДАЙ ОЛДИ-СОТДИ БЎЛАДИ?



— ТАДБИРКОРМАН, баъзан фискал хотирали назорат-касса машинаси техник жиҳатдан вақтинча носоз бўлиб қолиши мумкин. Шунда тадбиркор сифатида нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишим мумкинми?

Эркин СОБИРОВ,
тадбиркор

— Солиқ кодексига асосан фискал хотирали назорат-касса машинаси техник жиҳатдан вақтинча носоз бўлган ёки электр энергияси бўлмаган тақдирда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни харидорларга қўйишга, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган, қатъий ҳисобдаги ҳужжатларни бериш орқали амалга оширишга йўл қўйилади.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими

Дилмурод РАЖАБОЕВ жавоб берди.

ЎҚИТУВЧИДАН ТИББИЙ КЎРИК УЧУН ПУЛ ТАЛАБ ҚИЛИНСА...

— ЎҚИТУВЧИЛАР тиббий кўриқдан ўтиш учун пул тўлайдиларми?

Моҳина ОРЗИЕВА,
Чирчиқ шаҳри




— Меҳнат кодексига мувофиқ, иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимларини тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт.

Ходимлар тиббий кўриқлардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

Тиббий кўриқдан ўтиш муносабати билан ходимдан пул ундирилмайди, шунингдек, тиббий кўриқларни ўтказиш вақтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

БОЛА БОҒЧАГА БОРМАГАН КУНЛАРИ УЧУН ПУЛ ТЎЛАНМАЙДИ



— БИР ҳафтага оилавий дам олишга кетмоқчиман. Ўша кунлари фарзандим боғчага бормайди. Боғчага борилмаган кун учун пул тўлашим шартми?

Дилфуза АБРАЕВА,
Жиззах вилояти

— Ота-оналардан бирининг ишдан (ўқишдан) бўш вақти даврида ёки бошқа сабабларга кўра бола боғчага келмаган ҳолларда жорий ой учун тўланиши лозим бўлган тўлов миқдори у келмаган кунлар учун ҳисобланган тўлов суммасига камайтирилади.

Тўловни камайтириш учун ота-оналардан бири сабаби кўрсатилган ҳолда мактабгача таълим муассасаси раҳбарияти номига олдидан ариза (билдиришнома) ёзиши шарт.

Бунда боланинг бир йилда кўпи билан 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатга мактабгача таълим муассасасига келмаслигига рухсат берилади.

Демак, мактабгача таълим муассасаси олдидан ёзма огоҳлантирилган бўлса, бола боғчага бормаган кунлари учун пул тўланмайди.

ЧОРВА МОЛЛАРИНИ СЎЙИШ ВА СОТИШДА САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИГА ҚАНЧАЛИК РИОЯ ЭТИЛМОҚДА?

ҲАР бир инсон организмнинг ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиши учун кундалик ҳаётимизда гўшт ва гўшт маҳсулотларининг ўрни беқийсдир. Мутахассислар, бир киши йил давомида ўртача 45-50 килограмм гўшт маҳсулотлари тановул қилиши лозимлигини таъкидлашади.

Шифокорларнинг фикрича, танамизнинг турли касалликларга қарши табиий қурашувчанлигини оширишда, иммун тизимининг фаол ва мустаҳкам бўлишида ҳам ушбу турдаги маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш талаб этилади.

Юртимизда гўшт ва гўшт маҳсулотларининг кундалик овқат рационимиздан мукамал ўрин олишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг "Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг jisмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори айнан шу мақсадлар рўёбига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Гўшт маҳсулотларини етказиб бериш, қайта ишлаш ва сотиш чоғида ветеринария ва санитария талабларига риоя этиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Гўшт маҳсулотларини етказиб бериш, уни қайта ишлаш ва сотишда тиббиёт ходимлари тили билан айтганда, санитария-гигиена масалаларига бирламчи вазифа сифатида қараш лозим. Аммо ушбу ҳаётий зарурат ақсарият ҳолларда соҳа мутасаддилари эътиборидан четда қолмоқда.

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Инспекциянинг Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 сентябрдаги "Республика аҳолисини қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларида учрайдиган юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда гўшт ва сут

маҳсулотларини етказиб бериш ва сотиш чоғида ветеринария-санитария талабларига риоя этиш тўғрисида"ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2018 йил 14 ноябрдаги "Вилоят аҳолисини қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларида учрайдиган юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда гўшт маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишда ветеринария ва санитария талабларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан назорат тадбирлари ўтказилган.

Вилоятда эпизоотик ҳолат барқарорлигини таъминлашда, чорва ва паррандалар ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишда, чорва молларини сўйиш ва сотишда амалдаги ветеринария-санитария талабларига амал қилинмаган.

Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, чорва молларини ноқонун тарзда фаолият юритаётган қишлоқларда сўйилишининг олдини олиш, гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш ва сотишда ветеринария-санитария талабларига қатъий амал қилиниши таъминланди.

Инспекциянинг Самарқанд вилояти бошқармаси аралашуви билан вилоят Давлат санитария эпидемиология назорати маркази, ветеринария бошқармаси, деҳқон бозорлари раҳбарларидан иборат жами 18 нафар масъул ходимга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан жарима чораси қўлланилди ва фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйган ходимлар огоҳлантирилди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
Бош Прокуратура ҳузуридаги Инспекциянинг Самарқанд вилоят бошқармаси бўлим бош инспектори

ИНСОНИЯТ мисли кўрилмаган суръатларда урбанизация жараёни томон ҳаракатланмоқда: атиги 200 йил аввал сайёрамиз аҳлининг фақатгина 3 фоизи шаҳарлик бўлса, XX асрнинг бошида бу кўрсаткич 14 фоизга етди. 2050 йилга келиб ҳар ўн нафар одамдан еттитаси шаҳарда яшаш тахмин қилинмоқда.

Бундай интилиш, биринчи навбатда, техника ривожланган қишлоқ ҳўжалиги тармоғи камроқ меҳнат талаб қилаётгани, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг шаҳарларда жамланиши билан боғлиқ. Масалан, Германия Европада сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, картошка ҳамда бошқоқли экинлар еттиштириш бўйича етакчилардан бири саналади. Европадаги сут маҳсулотларининг қарийб тўртдан бири Германияда ишлаб чиқарилишига қарамай, аҳолининг атиги 1 фоизи қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият юритади.

БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти томонидан эълон қилинадиган дунё мамлакатларининг урбанизация даражаси кўрсаткичи бўйича 218 та мамлакат орасида Ўзбекистон 147-уринни эгаллайди. Бугун Ўзбекистон шаҳарларида аҳолининг 50,6 фоизи истиқомат қилади, мазкур урбанизация кўрсаткичи келажақда пасайиш эҳтимоли ҳам бор.

Президентимизнинг жорий йил 10 январдаги "Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонда қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиши учун давлат биринчи навбатда асосий яшаш шароитларини — уй-жой, ичимлик суви, электр энергияси, жамоат транспорти ва бошқа зарур қулайликларни яратиши, мамлакатда урбанизация жараёнларининг биринчи йўналиши сифатида — мутлақо янги уй-жой сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан, кам ва ўрта даромадли оилалар учун арзонлаштирилган тураржойларни қуришга йўналтирилган инвестицияларни қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилди.

УРБАНИЗАЦИЯ УЧУН ҚИЛИНАЁТГАН АСОСИЙ ИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқна тартибда уй-жой қуриш ва тураржойга хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи ҳам берилмоқда.

Ер участкаларини хусусийлаштириш жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан амалга оширилади.


Таъкидлаш жоизки, ер участкаларини хусусийлаштириш фақатгина кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолда ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда пуллик асосда амалга оширилади.

Ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси томонидан янги шаҳарларнинг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқишга сарфланади. Шунингдек, улар учун зарур бўлган муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектилари қурилиши молиялаштирилади.

Ер участкаларини хусусийлаштириш фуқаролар ва корхоналарга нима беради, деган савол туғилиши табиий. Эндиликда, ер участкалари фуқаролик муомаласи объектилари ҳисобланади. Яъни, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида шартнома асосида олди-сотди қилиниши мумкин.

Энг муҳими, жисмоний ва юридик шахслар томонидан хусусийлаштирилган ер участкалари хусусий мулк, деб тан олинади ва унинг дахлсизлиги давлат томонидан муҳофаза қилинади. Бу, ўз навбатида, ерга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгаришига, унга нисбатан фуқароларда манфаатдорлик ҳиссининг ортишига, ердан самарали фойдаланишга, шунингдек, миллий иқтисодиётимизга инвестициялар оқимининг кўпайишига олиб келади.

УРБАНИЗАЦИЯ — тараққётга хизмат қиладими? ЁКИ...



Бугуннинг мавзуси

МАЪМУРИЙ ТЎСИҚ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати, охириги йилларда қишлоқ жойларда яшётган аҳолининг шаҳарларга кўчишига бўлган маъмурий тўсиқларни бартараф этишга қаратилганлигидир.

Қолаверса, аҳолининг қишлоқ жойларидан шаҳарларга эркин ҳаракатланиши учун шарт-шароитлар яратиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Бу, ўз навбатида, Конституция-мизда белгиланган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши билан боғлиқ ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Фармон билан урбанизация жараёнларини тартибга солиш ва бу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида махсус давлат органи — Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурда Урбанизация агентлиги ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланган берилди.

Ўзбекистон дунёда демографик жиҳатдан ёш бўлган салоҳиятли давлатлардан бири ҳисобланади. Шу боис,

Фармон тарихий аҳамиятга эга ҳужжат ҳисобланиб, унда назарда тутилган масалалар аҳоли ва юрт фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Исталган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда самарадорликнинг юқори нуктасига миқёс кенгайтириш ҳисобига эришилади. Ишлаб чиқариш миқёсини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларининг етарлиги боис аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда осонгина эришиш мумкин. Одатда шаҳарда аҳоли сонининг кўпчилиги ишчилар ёллашни осонлаштиради. Аксарият банк ва инвестиция фондлари ҳам шаҳарларда жойлашади, бу эса корхоналар учун инвестиция жалб этиш имкониятини оширади. Аҳолининг бир жойда кўплаб жамланиши бюджет маблағларининг самарали тақсимланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, юқорида қайд этганимиздек, шаҳар аҳлининг ҳар бири аҳоли сони ўсиши боис бойий бошлайди, бу эса солиқ йиғимлари ошиши ва маҳаллий бюджетнинг кўпайишини таъминлайди.

Жонибек ШУХРАТОВ,
Новоий вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

"Текин ишчилар" бир йилдан сўнг МАОШ ОЛИШДИ

ҚўҚОН шаҳар адлия бўлимига Фаргона йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонасининг бир гуруҳ ишчиларидан мурожаат келиб тушди. Унда корхона ишчилари бир йилдан буён иш ҳақларини ололмаётганликларини маълум қилиб, амалий ёрдам сўрашган.



Жумладан, Данғара туманида яшовчи Жамолддин Усмонов 16.000.000 сўм, Илҳомжон Уринбоев 6.204.000 сўм, Ихтиёржон Жўраев 6.000.000 сўм, Фахридинжон Мавлонов 5.100.000 сўм, Иброҳимжон Ҳасанов 3.050.000 сўм, Юсупали Ҳайдаров 4.400.000 сўм, Ахорқул Тўрақуллов 5.800.000 сўм, Фуқрат туманида яшовчи Тўлқинжон Жўраев 7.450.000 сўм ва Учқўприк туманида яшовчи Акмалжон Назировлар 2.450.000 сўмлик иш ҳақини ўз вақтида ололмаган. Мазкур мурожаатни ўрганиш мобайнида "Қўқон йўл қуриш-таъмирлаш" унитар корхонаси Фаргона йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонасининг иш ҳақидан бўлган қарздорлиги-

ни тўлаш мажбуриятини олганлиги маълум бўлди. Бинобарин, корхонага аниқланган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилиб, тилга олинган 9 нафар ишчининг 56.454.000 сўм миқдоридаги иш ҳақи тўлаб берилиши таъминланди.

Ёки "Қўқон пахта тозалаш" акциядорлик жамияти мансабдорлари ўз ҳодимларининг 246.618.000 сўмлик иш ҳақини тўлашни "унутиб" қўйишган. Шаҳар адлия бўлимининг аралашувидан сўнг жамият томонидан АТ "Агробанк"нинг Қўқон шаҳар филиалидан 350.000.000 сўм миқдорида кредит маблағи олинди, юқоридаги қарздорлик тўлиқ бартараф этилди.

Шу ўринда корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига Меҳнат кодексининг 154-моддасига асосан иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни тўлаши шартлиги, Кодекснинг 161-моддасига мувофиқ эса меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланиши, лекин ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслигини яна бир қарра эслатиб ўтмоқчимиз.

Яна бир мисол. Ўзбекистон туманининг Қум қишлоқ маҳалласида яшовчи фуқаролар Фаргона вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали Қўқон туманлараро участкаси томонидан 2 ойдан буён маиший газ баллонлари тўлдириб берилмаётганлигидан норози бўлиб мурожаат қилган. Айни мурожаат ҳам адлия бўлими аралашгач ижобий ҳал этилиб, 76 нафар фуқарога тўлдирилган маиший газ баллонлари етказиб берилди.

Икромжон ИСАҚОВ,
Қўқон шаҳар адлия бўлими бош маслаҳатчиси

АССОСИЗ ҲИСОБЛАНГАН ҚАРЗДОРЛИККА КИМ АЙБДОР?

ШАЙХОНТОХУР туман адлия бўлими томонидан Шайхонтохур туман 6-сонли газ участкаси билан ҳамкорликда сайёр қабул ўтказилди. Сайёр қабул вақтида Шайхонтохур тумани, Тинчлик кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Ш.Зарипова туман газ идораси томонидан асоссиз ҳисобланган қарздорлиқни бартараф қилишда амалий ёрдам беришни сўраган.

Мазкур мурожаат юзасидан адлия бўлими томонидан туман 6-сонли газ таъминоти участкасига хат киритилди.

Адлия бўлими хати ижросини таъминлаш бўйича Шайхонтохур туман 6-сонли газ таъминоти участкаси ва туман Мажбурий ижро бўлими томонидан асоссиз ҳисобланган 4918478 сўм қарздорлик қайта ҳисоб-китоб қилиниб, тўлиқ олиб ташланди.

Шунингдек, ушбу сайёр қабулда Қизил гўнча кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Ф.Жўраевнинг ҳам шу мазмунда қилган мурожаати ўрганилиб, асоссиз ҳисобланган 3 516 218 сўм қарздорлик қайта ҳисоб-китоб қилиниб, фуқаронинг талаби тўлиқ таъминланди.

Фарҳод АКБАРОВ,
Шайхонтохур туман адлия бўлими бошлиғи

ТАЙЛОҚНИНГ ЭРТАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Тайлоқ туман ҳоқими **БАҲОДИР БОБОНАЗАРОВ**
билан суҳбат



ҲАҚИҚАДА хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун туманда тақдирот ўтказилди. Ушбу йиғинда лойиҳалар таҳлил қилиниб, уларни амалга ошириш бўйича ер майдонлари ажратилди. Шу куннинг ўзида барча керакли ташкилотлар билан шартномалар тузилди. Мева ва сабзавотларни қуритиш, туризм соҳасини ривожлантириш ҳамда йирик Логистика марказини ташкил этиш мақсадида тадбиркорлар билан бирга Бирлашган Араб Амирлигида бўлиб қайтдик.

— Президентимиз шу йилнинг 11 январида Тайлоқ туманига таъриф буюрди. Туманда амалга оширилаётган ислохотлар, кўплаб янги бино ва иншоотларнинг қурилиши, ишлаб чиқариш объектлари билан бевосита яқиндан танишди. Шу жараёнда Президентимиз қандай муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди?

— Давлатимиз раҳбари айнан бизнинг туманга таъриф буюриб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларимизга баҳо берди. Туманимиздаги Кўрғонча маҳалла ҳудудида шимолий Ирландиянинг "NORTEC ESTATE LLP" компанияси ва Ўзбекистон Республикасининг "TONY GRAEN" фирмаси ҳамкорлигида "PET AGRO OIL" томат пастаси, олма концентрати ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳамда қadoқлаш корхонаси қурилиб, Юртбошимиз таърифидан сўнг яқинда уларнинг биринчи қисми ишга туширилиб, дастлабки маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қadoқлаш корхонаси тўла қувват билан ишга тушгач, завод шу йилнинг охирида иш бошлайди. Шундан сўнг кунига 350 тонна ўсимлик ёғи, 3000 тонна томат пастаси, 2500 тонна олма концентрати ишлаб чиқарилиб, ҳар йили 3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларни Россия ва Европа давлатлариغا экспорт қилади. Лойиҳанинг қиймати 10 миллион АҚШ доллари, шундан 7 миллион АҚШ доллари хорижий инвесторлар, 3 миллион АҚШ доллари корхона маблағлари ҳисобига тўғри келди. Янги ташкил этилаётган корхонада 800 киши иш билан

таъминланади. Бугун ушбу корхонада 200 нафардан ортиқ ишчи фаолият кўрсатиб дастлабки маҳсулот ўсимлик ёғи харидорларга жўнатилади.

Туманда 2019-2020 йилларда 51 та лойиҳани амалга оширишни кўзда тутаётимиз. Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати 557 миллиард 669 миллион сўм миқдорига бўлиб, шундан 20 миллион АҚШ доллари хорижий инвестиция киритиш ҳамда 1285 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Хусусан, саноат соҳасида 10 та лойиҳага умумий қиймати 147 миллиард 803 миллион сўм, хизмат кўрсатиш соҳасида 8 та лойиҳа умумий қиймати 75 миллиард 620 миллион сўм, қишлоқ ҳўжалигида 33 та лойиҳа умумий қиймати 330 миллион сўм, 246 миллион сўм миқдорига хорижий инвестициялар киритилади. Мисол учун, жорий йилда туманда лойиҳа қиймати 830 миллион сўм бўлган замонавий гипермаркет, 660 миллион сўм бўлган қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех, шунингдек, Экотуризмни ривожлантириш учун Логистика маркази, меҳмонхона ташкил этиш,

тиббиёт кўлоқлари, шприц ишлаб чиқарадиган, замонавий иссиқхона ишлаб чиқариш учун 39 миллиард 575 миллион сўм, хорижий инвестиция ҳисобидан 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ишлар бажарилади. Яқинда хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун туманда тақдирот ўтказилди. Ушбу йиғинда лойиҳалар таҳлил қилиниб, уларни амалга ошириш бўйича ер майдонлари ажратилди. Шу куннинг ўзида барча керакли ташкилотлар билан шартномалар тузилди.

Мева ва сабзавотларни қуритиш, туризм соҳасини ривожлантириш ҳамда йирик Логистика марказини ташкил этиш мақсадида тадбиркорлар билан бирга Бирлашган Араб Амирлигида бўлиб қайтдик.

Ҳозирда туманда белгиланган тартибда 2 та умумтаълим мактаби, 4 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та соғлиқни сақлаш иншооти, туман марказида 3 та кўп қаватли 422 хонадонга мўлжалланган арзон нарҳдаги уй-жойлар қурилиши бошлаб юборилди.

— Бизга маълумки, Тайлоқ туманида кўп миқдорда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳам етиштирилмоқда. Бугун маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини оширишда қандай чоралар кўриляпти? Натижалар қандай?

— Туманда 16,4 минг гектар ер майдони мавжуд бўлиб, фермер ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналари томонидан 13,3 минг гектар майдонда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Ўтган 2018 йилда 32,1 минг тонна ғалла, 88,8 минг тонна сабзавот, 83,7 минг тонна картошка, 63 минг тонна узум, 34 минг тонна бошқа мевалар, 3,6 минг тонна полиз экинлари, 160 минг тонна соя ҳамда 600 тонна дуккакли дон маҳсулотлари етиштирилди. Жорий йилда ҳам ушбу кўрсаткични икки баробар ошириб, мамлакатимиз раҳбари айтганидек, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни туманимизнинг ўзиде қайта ишлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ўтган йилгига кўра камида уч бараварга оширишни режалаштирганимиз.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда сервис соҳаларида амалга

оширилиши тасдиқланган лойиҳалар жами 109 та бўлиб, ушбу лойиҳалар ишга туширилса, 483 та янги иш ўрни яратилди. Туманда 2019 йили 36019 тонна қиймати 30738 минг АҚШ доллари миқдорига мева-сабзавот экспорт қилиниши режалаштирилган. Шунга кўра, 859 та сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжалигида 865 гектар ерга сабзавот, шундан 168 гектарга помидор, 242 гектарга пивз, 159 гектарга қалампир, 70 гектарга булғор қалампир, 60 гектарга ош лавлагли, 56 гектарга қарам, 106 гектар майдонга бошқа турдаги (сабзи, саримсоқ пивз, бодринг, кўкатлар) экилиб жами 35742 тонна ҳар хил турдаги сабзавотлар етиштирилади. Туманда 395 та боғдорчилик йўналишидаги фермер ҳўжаликлари фаолият кўрсатиб, уларнинг ихтиёрида 1034 гектар боғ майдонлари мавжуд, шундан 949 гектар маҳаллий ва 85 гектари интенсив боғлардир. Жорий йилда ушбу боғлардан 17098 тонна мева етиштирилади. Бундан ташқари, туманда 599 та узумчилик йўналишидаги фермер ҳўжаликлари бўлиб, улар жорий йилда 371,58 тонна узум етиштиради.

— Туманда аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирсангиз?

— Бугун бошланган кенг кўламли ислохотлар, иқтисодий ривожланиш йўлида амалга оширилаётган лойиҳалар, барча хатти-ҳаракатларимиз, аввало, халқимизнинг фаровон келажаги учун, уларнинг бахтли турмуш кечириши учундир. Шуни айтиш керакки, бугун туманимизда ижтимоий соҳада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида бир қатор режалар белгиланди. Нуруний маҳалласининг Бўтабой қишлоғи Янги ҳаёт, Эски Жума маҳаллаларида аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади. Ана шу маҳалла ва қишлоқларда электр таъминотини яхшилаш учун янги трансформаторлар ўрнатилди. Жорий йилда кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун туман марказида кўп қаватли янги уй-жойлар қурилади.

Шуни айтиш керакки, туманда ўтган 2018 йил мобайнида саноат қишлоқ ҳўжалиги ва сервис соҳаларида жами 45 та лойиҳа киритилган бўлиб, ушбу лойиҳалар ишга туширилиши учун 103 миллиард сўм, шу жумладан,

89 миллиард сўм лойиҳа тадбиркорларнинг маблағлари, 15 миллиард сўм банк кредитлари сарфланиб, 375 та янги иш ўрни яратилди. Ворсин қишлоғидаги "Азия Металл Стандарт" МЧЖ томонидан 1 йилда 2 минг тонна никел қопламаси қурувлари ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди. 15 та янги иш ўрни яратилди. Туманимизда "Oil group supple" қўшма корхонаси ташкил этилиб, у йилгига 12 минг донна автомобиль шиналарини қоплаш салоҳиятига эга.

— Президентимизнинг 2018 йил 7 февралда "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Бугун Тайлоқ туманида ушбу Қарорнинг ижроси қандай таъминланмоқда?

— Туманда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида Боғизоғон МЧЖ "Агротил адас" қўшма корхоналарида вино дегустация заллари, "Сибё саховати" қўшма корхонасида консерва маҳсулотлари кўргазмаси, "Сибё Шавкат Орзу" ферма ҳўжалигида агротуризм мажмуаси — хунармандчилик, рессомчилик ва амалий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилиб, хориждан келган сайёҳларга хизмат кўрсатиш мўлжалланган. Туманда 26 ўринли қулай шарт-шароитга эга 3 та меҳмонхона бугун фаолият кўрсатмоқда. Шу йил эса туризм йўналишида 4 та лойиҳада — жами 13 миллиард 350 миллион сўм, шундан 5 миллиард 150 миллион сўм таъминоти учун, уларнинг бахтли турмуш кечириши учундир. Шуни айтиш керакки, бугун туманимизда ижтимоий соҳада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида бир қатор режалар белгиланди. Нуруний маҳалласининг Бўтабой қишлоғи Янги ҳаёт, Эски Жума маҳаллаларида аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади. Ана шу маҳалла ва қишлоқларда электр таъминотини яхшилаш учун янги трансформаторлар ўрнатилди. Жорий йилда кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун туман марказида кўп қаватли янги уй-жойлар қурилади.

Шуни айтиш керакки, туманда ўтган 2018 йил мобайнида саноат қишлоқ ҳўжалиги ва сервис соҳаларида жами 45 та лойиҳа киритилган бўлиб, ушбу лойиҳалар ишга туширилиши учун 103 миллиард сўм, шу жумладан,

"Инсон ва қонун" муҳбири Азим ҚОДИРОВ суҳбатлашди.



